

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

“Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси

Институтнинг илмий-услубий
кенгашида кўриб чиқилди ва чоп
этишга рухсат берилди.
Рўйхатга олинди: _____
Баённома: № _____
“ ____ ” _____ 2017 йил.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Институтнинг илмий-услубий
кенгаши раиси,
тех. фан. ном., доцент А.Р.Рахимов

“ ____ ” _____ 2017 йил.

**“Қурилишда баҳони шакллантириш”
фанидан мустақил таълим бажариш учун**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

**5340100 – Архитектура (бино ва иншоотлар),
5341000 – Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий
ташқил этиш таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган**

Самарқанд – 2017

УДК 338.45:69

Ушбу услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари, ўқув ва ишчи режа, фаннинг намунавий ва ишчи ўқув дастури асосида тайёрланди.

“Қурилишда баҳони шакллантириш” фанидан услубий кўрсатма 5340100 – Архитектура (бино ва иншоотлар) ва 5341000 – Қишлоқ худудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган. Услубий кўрсатманинг мақсади фаннинг маъруза машғулотларида ва замонавий ахборот манбалари бўйича фанни мустақил ўрганиш давомида олинган назарий билимлар асосида қурилишда баҳони шакллантириш бўйича ҳисоб-китобларни бажариш кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади.

Услубий кўрсатмада мустақил таълимнинг мазмуни ва таркиби, топшириқларни бажариш учун услубий кўрсатмалар, топшириқ вариантлари, шунингдек қурилиш меъёрлари ва қоидаларидан кўчирмалар берилган. Услубий кўрсатма “Қурилишда баҳони шакллантириш” фанидан мустақил таълимни бажариш учун мўлжалланган бўлиб, талабада қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишларининг смета қийматини ҳисоблаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Тузувчилар: **Раззакова Гулсара Аблакуловна**, “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси,

Турдибеков Юсуф Ибрагимович, “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси.

Тақризчилар: **Ганиев Карим Барович**, “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси профессори, техника фанлари доктори,

Каржавов Зайниддин Каржавович, “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

“Қурилишда баҳони шакллантириш” фанидан мустақил таълимни бажариш учун услубий кўрсатма “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси мажлисида (2017 йил “_____” _____ №_____ баённомасида) ва «Қурилишни бошқариш» факультетининг илмий-услубий кенгаш йиғилишида (2017 йил “_____” _____ №_____ баённомасида) кўриб чиқилган ва маъқулланган.

Чиқиш белгилари: СамДАҚИ. Шакли А5. Буюртма №____ Адади: __ Ҳажми _____

КИРИШ

Ҳозирги замон иқтисодиётида смета ишлари, қурилишда нархнинг шаклланиши ва уни молиялаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Инвестор–буюрмачиларни қурилишдаги бизнесининг самарадорлиги, пудрат ташкилотларнинг фойдалилик даражасини ошириш каби масалалар шулар жумласидандир. Чунки пудрат ташкилотларининг бажарган ишларнинг ҳисоб-китоби, бажарилган ишларнинг сифати ва самараси, уларга қилинаётган харажатлар объектив ҳисоблаш учун такомиллашган смета ишларни ва ҳисоб-китобларни бажариш заруриятини туғдиради. Шунинг учун принципал смета меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда буюртмачи-инвесторлар ва пудратчилар билан келишилган ҳолда бир тизимга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Қурилиш тармоғида сифатли смета ишларини олиб борувчи мутахассисларга бугун эҳтиёж жуда катта. Сметачиларнинг ишлари инвестиция-лойиҳа ишларини амалга оширишда, пудрат ташкилотлари самарадорлигини таъминлашда асосий ўринни эгаллайди. Нарх шаклланиши ишлари доимо ривожланиб, такомиллаштирилиб келинмоқда.

Ҳозирги замон қурилишида смета ишлари ва нархнинг шаклланиши анъанавий усулларга таянган ҳолда фан-техниканинг ривожланиши, қурилиш техник ривожланишининг ва қурилиш ишрокчиларининг иқтисодий муносабатларини ривожланиш тенденциясига мос равишда ривожланиб келмоқда. Ҳозирги кунда 80 фоиздан ортиқ инвестициялар хусусий секторга йўналтирилмоқда ва деярлик барча ишлар хусусий компаниялар ва фирмалар томонидан бажарилмоқда. Қурилишда смета ишларининг меъёрлари ва услубий мувофиқлаштириш давлат даражасида тартибга солинмоқда.

Қурилишда баҳони шакллантириш ва смета ишлари бўйича талабаларда олинган назарий билимларини амалда бажара олиш қобилиятини шакллантириш мақсадида ушбу услубий кўрсатма ишлаб чиқилди.

“Қурилишда баҳони шакллантириш” фанидан услубий кўрсатма 5340100

– Архитектура (бино ва иншоотлар) ва 5341000 – Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган.

Ушбу мустақил таълимни бажаришдан мақсад – “Қурилишда баҳони шакллантириш” фанини ўрганиш давомида олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш, шунингдек қурилшда баҳони шакллантириш ва смета иши бўйича кўникмаларга эга бўлиш.

Мустақил таълимни бажариш жараёнида талаба қурилишда баҳонининг шаклланиш босқичларини ҳамда қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишларининг смета қийматини ҳисоблаш услубиятини ўрганишлари лозим.

Бунинг учун талабалар қуйидаги ишларни амалга оширилишлари лозим:

1. Қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишларининг физик ҳажмлари аниқланади. Бу ҳажмлар янги қурилиш объекти бўйича ишчи чизмалари, қурилиш-таъмирлаш ишларида нуқсонлик далолатномаси асосида аниқланади.

2. Қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳар бир тури бўйича локал сметаси ҳисоб-китоби амалга оширилади. Бунда қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишларининг ҳар бир тури бўйича смета қийматининг тўғри харажатлари (қурувчи-ишчиларнинг меҳнат харажатлари, қурилиш машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари ва қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари) ҳисоблаб чиқилади.

3. Қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича истеъмол ресурслари қайдномаси (ресурс смета) ҳисоб-китоби амалга оширилади. Бунда локал сметада аниқланган ресурслар харажатлари объект бўйича умумлаштирилади;

4. Жорий баҳоларда қурилиш объектининг тавсия этиладиган баҳоси ҳисоб-китоби амалга оширилади. Бунда объект бўйича тўғри харажатлар, пудратчининг бошқа сарф ва харажатлари, қурилиш объектини суғурталаш харажатлари, баҳонинг ўзгаришини инобатга олувчи таваккаллик харажатлари ва қўшимча қиймат солиғини бўйича харажатларни ўз ичига олувчи жорий баҳолардаги қурилиш объектининг тавсия этилаётган баҳоси (смета қиймати) ҳисоблаб чиқилади.

1. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ТАРКИБИ ВА БАЖАРИЛИШ ТАРТИБИ

Мустақил таълим “Қурилиш маҳсулотининг шартномавий жорий нархини аниқлаш” мавзусида бажарилиб, 20-25 бетдан иборат қўл ёзма ёки 15-20 бетдан иборат компьютерда терилган матн ҳолда расмийлаштирилиб, унинг ҳимояси билан яқунланади.

Мустақил таълим 2 та бўлимдан иборат бўлади:

1. Назарий қисм;
2. Қурилиш маҳсулотининг шартномавий жорий нархини ҳисоблаш.

1.1. Мустақил таълимнинг таркиби

Кириш

1- бўлим. “Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида нарх шаклланишининг назарий асослари” мавзусида бажарилади.

2-бўлим. Қурилиш маҳсулотининг шартномавий жорий нархини ҳисоблаш:

1. Мустақил таълимни бажариш вариантлар бўйича берилган топшириқлар.
2. Қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳажмини аниқлаш.
3. Локал смета ҳисобини тузиш.
4. Истеъмол ресурсларга бўлган талаб қайдномаси (ресурсли смета)ни тузиш.
5. Амалдаги нархлар асосида қурилиш-таъмирлаш ишларининг шартномавий жорий нархини аниқлаш.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1.2. Қурилиш маҳсулотининг шартномавий жорий нархларини аниқлаш бўйича услубий кўрсатмалар

Қурилиш объектининг шартномавий нархи танлов иштирокчилари (оферта) нарх таклифларининг оптимал нархини танлаш асосида буюртмачи ва танлов ҳужжатлари шартларидан келиб чиқиб аниқланилади.

Бино ва иншоотлар қурилишининг смета қиймати – бу лойиҳа бўйича қурилиш ишларини бажариш учун сарфланиши лозим бўлаган барча харажатлар йиғиндисидир. Унинг таркибига бино ва иншоотлар қурилишига кетадиган технологик жиҳозлар билан таъминлаш, вақтинчалик бино ва иншоотларни қуриш, вақтинчалик ва доимий йўлларни қуриш, электр тармоқларини қуриш каби харажатларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 11 июнда “Марказлаштирилган капитал кўйилмалари ҳисобига рўёбга чиқариладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Шу қарорга мувофиқ қурилишнинг баҳоси ресурс усули ёрдамида жорий нархларда аниқланади.

“Ресурс усули”ни қўллашда физик кўрсаткичлардаги: асбоб-ускуналар номлари ва миқдори; норматив меҳнат сарфи; машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари; қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкциялар номлари ва миқдори; бошқа харажатлар ва сарфлар аниқланади.

“Ресурс усули” бўйича объектнинг жорий нархлардаги қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C=(C_0+C_M+C_{3п}+C_{эм}+П_п+П_3+C_p) \times K_p,$$

бунда

C_0 - асбоб- ускуналарга, мебель ва инвентарга харажатлар;

C_M - қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларга харажатлар;

$C_{3п}$ - ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобга олинган ҳолда асосий иш ҳақиға харажатлар;

$C_{эм}$ - машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари;

$П_п$ - пудратчининг бошқа харажатлари;

$П_з$ - буюртмачининг бошқа харажатлари;

C_p - объектлар қурилишини суғурта қилиш харажатлари;

K_p - навбатдаги йилда қурилишда нарх ўсишининг прогнозлаштирилаётган индексдан келиб чиқиб аниқланадиган таваккалчилик коэффициенти.

Асбоб-ускуналар, мебель ва инвентарга харажатлар транспорт харажатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарувчи корхоналар (етказиб берувчилар)нинг нархлари қўлланилган ҳолда спецификациялар асосида ёки нархлар мониторинги асосида шакллантириладиган маълумотлар банки бўйича аниқланади.

Қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларга харажатлар мазкур минтақада шаклланган бирликка ўртача нархлар қўлланилган ҳолда тендер ҳужжатлари таркибида ишлаб чиқиладиган йиғма ресурс ҳисоб-китобига мувофиқ амалдаги кўрсаткичлар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_m = C_{m1} + C_{m2} + C_{m3} + \dots + C_{мп}$$

бунда, C_{m1} , C_{m2} , C_{m3} , $C_{мп}$ - қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг айрим турлари қиймати:

$$C_{мп} = N \times Ц_{ср}$$

Бунда: N - объект қурилиши учун талаб қилинадиган қурилиш материаллари (буюм, конструкция)нинг алоҳида тури миқдори; $Ц_{ср}$ - қурилиш материаллари (буюм, конструкция) бирлиги ўртача нархи;

Ҳар хил қурилиш материаллари (буюмлар, конструкциялар)нинг ўртача қиймати тайёрловчи заводларнинг улгуржи сотиш нархлари, қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидаги нархлар, “Давархитектқурилиш” қўмитаси томонидан чиқариладиган каталоглар, “Давархитектқурилиш” қўмитасининг нарх белгилаш бўйича минтақавий марказлари маълумотлари асосида аниқланади.

Қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган қурилиш материаллари (буюмлар, конструкциялар) нархлари тайёрловчи заводларнинг улгуржи нархларини, идишларга харажатларни, транспорт харажатларини, таъминот-сотиш ташкилотларининг устама нархларини ўз ичига олади. Транспорт харажатларини “Давархитектқурилиш” қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган юклар қурилиш учун ташишга ҳисоб-китоб жорий нархларини аниқлаш бўйича методик тавсиялар асосида ҳисоблаб чиқиш тавсия қилинган.

Иш ҳақи харажатлари объектнинг норматив меҳнат сарфини бир киши-соатнинг жорий қийматига (сўмларда) ва ижтимоий суғуртага ажратмалар миқдорини ҳисобга олувчи коэффициентга кўпайтириш йўли билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{\text{зп}} = T \times C_{\text{ч}} \times K_{\text{сс}},$$

Бунда:

T-тендер ҳужжатлари таркибида ёки ишга туширилган объектларга ўхшаш киши-соатларда аниқланадиган объект қурилишининг норматив меҳнат сарфи;

C_ч- ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи, объект қурилиши қийматини ҳисоблаб чиқишда минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртача статистик ойлик иш ҳақи даражасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади;

K_{сс}- ижтимоий суғуртага ажратмалар миқдорини ҳисобга олувчи коэффициент.

Ўртача соатлик иш ҳақи қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$C_{\text{ч}} = Z_{\text{мс}} \cdot \Phi$$

бунда:

Z_{мс}-олдинги 12 ой учун статистика маълумотлари асосида бир ой учун ҳисоблаб чиқилган минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи, ойига сўм;

Φ - Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари бўйича соатларда иш вақтининг ўртача ойлик фонди.

Объект қурилиши қийматини аниқлашда машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари қиймати жорий нархларда қуйидаги формула бўйича қабул қилинади:

$$C_{эм} = ЭМ \times Ц_{пр}$$

бунда:

ЭМ - машина ва механизмлардан фойдаланишнинг соатлардаги ҳажми;

Ц_{пр}- машина ва механизмлардан фойдаланишнинг соат/сўмлардаги жорий нархлари.

Машина ва механизмлардан фойдаланишнинг жорий нархларини «Давархитектқурилиш» қўмитасининг методик тавсиялари асосида аниқлаш тавсия қилинган.

Пудратчининг бошқа харажатлари (П_п) зарур фойдадан, шу жумладан пудрат ишлари (хизматлар) бозори конъюнктурасидан келиб чиқиб шакллантириладиган мажбурий тўловлар ва ажратмалардан иборат бўлади. Объектнинг қурилиш қийматини аниқлашда пудратчининг бошқа харажатлари тўғридан-тўғри харажатлар суммасининг 20 фоизигача даражада қабул қилиниши мумкин.

Буюртмачининг бошқа харажатлари ва сарфлари (П_з) лойиҳа-қидирув ишлари, экспертиза, танлов савдолари (тендер) утказиш, техник назорат харажатларидан, объект қурилиши билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборат бўлади.

Буюртмачи объект қурилиши қиймати таркибида объект қурилишини ташкил этиш, унга хизмат кўрсатиш, кузатиб бориш, қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш, шунингдек, объект қурилиши жараёнида пудратчи ташкилотга берилган банк кредитлари бўйича фоизлар тўлаш билан боғлиқ бошқа харажатларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Буюртмачининг бошқа харажат ва сарфлари лойиҳа-қидирув ишлари, экспертиза, танлов савдоларини ўтказиш, техник назорат ўрнатиш ва шу каби объект қурилиши билан боғлиқ харажатлардан ташкил топади. Буюртмачининг бошқа харажатлари объект қурилиши қийматини шакллантиришда белгиланган

миқдорларда қурилиш “қулф калит” усулида бажарилганда объектнинг шартномавий қийматига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ва Молия Вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Давархитектқурилиш” қўмитаси марказлаштирилган манбалар (давлат капитал қўйилмалари) ҳисобига молиялаштириладиган объектлар қурилишининг бошланғич нархлари шакллантирилиши бўйича доимий мониторингини амалга оширадилар.

Объект қурилиши муддати бир календар йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарх “Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш тартиби тўғрисида”ги Вақтинчалик низомга мувофиқ аниқланиши талаб этилган.

Объектлар қурилишини суғурта қилиш харажатлари (C_p) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бюджети ва давлат кафолати остидаги кредитлар ҳисобидан объектларни қурилишида қурилиш хатарларини мажбурий суғурталаш ҳақидаги” қарори асосида қабул қилинади. Суғурта суммаси (80% объект қийматининг) 0,4% атрофида қабул қилинади.

Навбатдаги йилда қурилишда нарх ўсишининг прогнозлаштирилаётган индексидан келиб чиқиб аниқланадиган таваккалчилик (хавф-хатар) коэффициенти (K_p), қурилиш хавф хатарининг суғуртасини ҳисобга олмаганда қурилиш қийматининг 2% миқдорида қабул қилиниши мумкин.

Ҳисоблаш ишлари қуйидаги кетма кетликда бажарилади:

1.2.1. Қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳажмини аниқлаш

Қурилиш-таъмирлаш ишлари мустақил таълим бўйича вариантлар асосида танлаб олинади (1-илова), лекин амалда ишчи чизмалар асосида махсус усуллар ёрдамида уларнинг ҳажмлари ҳисоблаб чиқилади. Мазкур мустақил таълимда иш ҳажмлари вариантлар асосида берилган. Иш ҳажмлари ШНҚ ёки

ҚНҚ (қурилиш меъёрлари ва қоидалари) келтирилган бирликларда ифодаланиши керак.

Ҳисоблаш натижалари қуйидаги жадвалда келтирилади.

1-жадвал

ИШ ҲАЖМЛАРИ ҚАЙДНОМАСИ

№	Ишларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Ҳисоблаш формуласи	Иш ҳажмлари
1	2	3	4	5

1.2.2. Локал смета ҳисобларини тузиш

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш қийматини аниқлаш учун смета ҳужжатларининг таркибида локал смета ҳисоби, истеъмол ресурсларига талаб қайдномаси ва қурилиш-таъмирлаш ишларининг тавсия этилаётган қиймати қайдномаси ишлаб чиқилади. Биринчи навбатда локал смета ҳисоби тузилади. Бу ҳужжатда тўғри харажатлар суммаси, яъни бу сумма қурилиш материаллари, конструкциялари ва деталлари, ишчилар иш ҳақи, қурилиш машина ва механизмлари харажатларини ўз ичига олади. Юқорида айтилгандек, харажатлар миқдори қурилиш-таъмирлаш ишлари физик ҳажмлардан келиб чиққан ҳолда ШНҚ ёки ҚМҚ (шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, қурилиш таъмирлаш ишлари ресурс смета меъёрлари жамланмаси) келтирилган бирликларда ифодаланиши керак.

Локал смета ҳисоби қуйидаги шаклда тузилади:

2-жадвал

_____ объект бўйича локал смета ҳисоби

№	Шифр	Ишлар ва харажатлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори		Қиймати, сўм	
				Бирликка	Умумий	Бирликка	Умумий
1	2	3	4	5	6	7	8

Бу жадвалнинг 3-устунида бажарилиши лозим бўлган қурилиш-таъмирлаш ишларининг номи, 4-устунда уларнинг ўлчов бирлиги, 6-устунда қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳажмлари ёзилади. Бу кўрсаткичлар 1-жадвалдан олинади.

Ишлар бажариш учун ресурслар меъёри қурилиш таъмирлаш ишлари ресурс смета меъёри жамланмасидан олинади (3-илова) ва 5-устунга ёзилади, 2-устунга бу ресурслар харажат меъёри шифри ва коди ёзилади.

Жами иш ҳажмлари учун меъёрлар асосида сарфланадиган истеъмол қилинадиган ресурслар умумий миқдори 6-устунга ёзилади.

Бирлик ресурсларнинг қиймати 7-устунда кўрсатилади (услубий кўрсатманинг 2-иловаси асосида), жадвалнинг охириги устунида истеъмол қилинадиган умумий ресурслар келтирилади.

1.2.3. Истеъмол ресурслари қайдномаси(ресурсли смета)ни тузиш

Истеъмол ресурслар қайдномаси (жамланма ресурсли ҳисоб) локал смета ҳисоби асосида тузилади. Мазкур қайдномага қурилиш ишларини бажариш учун керак бўлган барча ресурслар келтирилади. Истеъмол ресурслар қайдномаси қуйида келтирилган жадвал шаклда тузилади.

3-жадвал

Истеъмол ресурслар қайдномаси

№	Шифр (асос- нома)	Ресурсларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Смета истеъ- моли	Амалдаги нархларда	
					бирлик	Жами
1	2	4	5	6	7	8
1		Ишчи қурувчиларнинг меҳнат харажатлари	Киши - соат			
2		Машинистлар меҳнат харажатлари	Киши- соат			
		Жами меҳнат ресурслари	сўм			

Қурилиш машина ва механизмлари						
1	1522	Мачтали юк кўтаргич 0,5т	машсоа т			
2	2509	5т юк кўтарадиган бортли автомобили	машсоа т			
3	3021	65 л сиғимга эга кўчиб юриб қоришма тайёрлагич	машсоа т			
					
		Жами қурилиш машиналари бўйича	сўм			
Қурилиш материаллари, буюмлари ва деталлари						
1	12370	«Бетонит-50» типли қурук шувоқ бўтқаси	Т			
2	31434	Грунтовка	Т			
3	9110	Сув	М ³			
4	12146	Оҳакли оғир қоришма 1:2	М ³			
		...				
		...				
		Жами материаллар				
		Транспорт харажатлари	сўм			
		Жами материал ресурслар бўйича	сўм			
		Жами лойиха бўйича ресурслар	сўм			

1.2.4. Объект бўйича қурилиш-таъмирлаш ишларнинг тавсия этилаётган қийматини аниқлаш

Объект бўйича қурилиш-таъмирлаш ишларнинг тавсия этилаётган қиймати локал смета ҳисоблари ва истеъмол ресурслар қайдномаси асосида қуйидаги жадвалда аниқланади:

4-жадвал

Амалдаги нархларда объектнинг тавсия этилаётган нархи

№	Харажатларнинг номланиши	Нархи (Жами)
1.	Ускуналар, мебеллар, инвентарь харажатлари	
2.	Қурилиш материаларига харажатлар	
3.	Ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобга олинган ишчиларнинг асосий иш ҳақи харажатлари	
4.	Машина ва механизмлар эксплуатация харажатлари	
5.	Жами тўғри харажатлар	
6.	Пудратчининг бошқа сарф ва харажатлари	
7.	Қурилиш объектнинг суғурта харжатлари	
8.	Қурилишда нарх наво индексининг ўзгаришини ҳисобга олувчи хавф-хатар коэффициенти(2%)	
9.	Жами қурилиш қиймати (қўшимча қиймат солиқларидан ташқари)	
10	Қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) -20%	
11	Жами қурилиш қиймати амалдаги нархларда қўшимча қиймат солиғи билан	

Юқорида таъкидлангандек, қурилиш материаллари, асосий иш ҳақи ва қурилиш машина ва механизмларининг харажатлари истеъмол ресурслар қайдномасидан (жамланма ресурслар ҳисобидан) аниқланади. Пудратчининг

бошқа сарф-харажатлари тўғри харажатларнинг маълум нисбати каби қабул қилинади. Талабалар мустақил таълимни бажариш жараёнида бу кўрсаткични топшириғи-варианти талабидан келиб чиққан холда 17,6% миқдорида қабул қилади. Қурилиш объектининг суғурта харажатлари 0,2%, хавф-хатар коэффициентлари эса қурилиш хатарлари суғуртаси харажатларидан ташқари қурилиш қийматининг 2% миқдорида қабул қилиш тавсия этилади.

2. НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Нарх қандай вазифаларини бажаради?
2. Нархга қандай омиллар таъсир қилади?
3. Нархни шакллантиришнинг қандай стратегияларини биласиз?
4. Нарх қандай элементлардан иборат?
5. Қурилиш маҳсулотига нархни шакллантириш жараёнига қурилишнинг қандай хусусиятлари таъсир этади?
6. Қурилишнинг смета қиймати қандай харажатларни ўз ичига олади?
7. Қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати қандай элементлардан иборат?
8. Тўғри харажатларга нималар киради?
9. Тўғри харажатлар қандай аниқланади?
10. Устама харажатларга қандай харажатлар киради?
11. Устама харажатлар қандай аниқланади?
12. Қурилишнинг смета қиймати қандай усуллар ёрдамида аниқланади?
13. Капитал қурилишда қандай иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда?
14. Капитал қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштириш асосий йўналишларини айтиб беринг.
15. Капитал қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштириш учун давлат томонидан қандай қарорлар қабул қилинди?

16. Капитал қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштириш учун қандай меъёрий ҳужжатлар тузилган?
17. Объектларни қурилиш баҳоси жорий нархларда қандай усул ёрдамида аниқланади?
18. Қурилиш баҳоси қандай элементлардан иборат?
19. Пудратчи томонидан ҳисобланган таклиф нархи қандай аниқланади?
20. Шартнома баҳоларнинг қандай турларини биласиз?
21. Бинонинг смета қиймати деганда нимани тушунасиз?
22. Смета ҳужжатлари қандай нормативлар асосида тузилади?
23. Смета ҳужжатлари таркибига қандай ҳужжатлар киради?
24. Локал сметани тузишда қандай ресурслар ҳисобга олинади?
25. Локал сметалар қандай тузилади?
26. Смета ҳужжатларини тузиш учун қандай электрон дастурлар қўлланилади?
27. Қурилиш баҳоси қандай элементлардан иборат?
28. Асбоб-ускуналарга харажатлар қандай ҳисобланади?
29. Қурилиш материалларга харажатлар қандай аниқланади?
30. Иш ҳақиға харажатлар қандай ҳисобланади?
31. Пудратчининг бошқа харажатлари қандай ҳисобланади?
32. Пудратчининг бошқа харажатларига нималар киради?
33. Буюрмачининг бошқа харажатлари қандай харажатлардан иборат?
34. Буюрмачининг бошқа харажатлари қандай ҳисобланади?
35. Инвестиция деганда нимани тушунасиз?
36. Қурилишни молиялаштириш қандай манбаларни биласиз?
37. Қурилишда қандай шартномалар тузилади?
38. Қурилиш марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига амалга оширилганда қандай шартнома тузилади?
39. Республикада Инвестицион Дастур неча босқичда шакллантирилади?

40. Республикада марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш тартибини айтиб беринг?
41. Танлов савдоларининг мақсади нимада?
42. Кимлар танлов савдолари қатнашчиси деб ҳисобланади?
43. Танлов савдолари қандай шаклларда ўтказилади?
44. Оферентларга қандай талаблар қўйилади?
45. Танлов ҳужжатларининг таркибига нималар киради?
46. Қайси ҳолларда танлов савдолари ўтказилмаган ҳисобланади?
47. Буюртмачининг мажбуриятлари нималардан иборат?
48. Танлов ҳужжатлари экспертизадан қандай ўтказилади?

3.ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Нарх, нархнинг вазифалари, нархга таъсир этувчи омиллар, харажатлар ва белгиланган фойда усули, талабга асосланган усул, рақобатга асосланган нарх усули, қурилишнинг хусусиятлари, бино ва иншоотлар қурилишининг смета қиймати, қурилиш-монтаж ишларининг смета қиймати, тўғри харажатлар, устама харажатлар, смета фойдаси, ресурс усули, йириклаштирилган кўрсаткичлар, смета меъёрлари. Қурилишда иқтисодий ислохотлар, қурилишда баҳони шакллантириш механизмини такомиллаштириш, смета-норматив базаси, жорий шартномавий нархлар, танлов савдолари, ҚМҚ, ШНК. Ресурс усули, шартнома баҳоси, ишчилар иш ҳақига харажатлар, қурилиш материалларга харажатлар, машина механизмлардан фойдаланиш харажатлари, таваккалчилик коэффиценти, пудратчининг бошқа харажатлари, буюртмачининг бошқа харажатлари, қурилишни суғурталаш харажатлари, смета ҳужжатлари, локал ресур ҳисоби, ресурс сметаси, қурилишни тавсия этиладиган қиймати. Капитал қурилишда иш вақти фонди (киши-соат), ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи, статистик ойлик иш ҳақи даражаси, ижтимоий суғуртага ажратмалар, ўртача соатлик иш ҳақи, объектнинг норматив меҳнат сарфи, қурилиш материаллари, буюмлари ва

конструкциялари харажатлари. Ускуналар, мебель ва инвентарлари харажатлари, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг сарфи, умумлашган ресурс ҳисоби, ускуналар, мебель, ва инвентарлар сарфи, ресурс – смета меъёрлари асосида тузилган спецификациялар. Пудратчининг бошқа харажатларининг салмоғи, вақтинчалик бино ва иншоотлар, қишки қимматлашув, ишчиларни ташиш, қурилишнинг вахта методи, лойиҳа–қидирув ишлари, лойиҳа ҳужжатлари ва муаллифлик назоратини ўз ичига олган ҳолда танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, танлов савдосини ўтказиш, техник назоратни амалга ошириш, банк кредитининг фоизлари, бузиб ташланган иморат, кесиб ташланган дарахтлар ва буталар учун эгасига тўланадиган бадал ҳақи, таваккалчилик коэффициенти. Марказлаштирилган капитал қўйилмалар, инвестициялар, инвестиция лойиҳалари, қурилишда шартномалар турлари, анъанавий шартнома, лойиҳа-қурилиш шартномаси, уч томонлама шартнома, «қурилишни калити билан топшириш» шартномаси, Инвестицион дастурни шакллантириш схемаси, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш. Танлов савдолари, оферент, буюртмачи, инвестор, танлов комиссияси, оферта, танлов ҳужжатлари экспертизаси, очик танлов савдолари, ёпиқ танлов савдолари, тендерни уюштирувчи ташкилот.

4. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур мустақил таълимнинг баҳолаш мезони Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 7 мартдаги 61-сонли буйруғи билан тасдиқланган низом асосида ишлаб чиқилган.

Мустақил таълим ва талабанинг билим даражасини баҳолаш учун қуйидаги мезонлардан фойдаланилади:

- Мустақил таълим назарий қисмининг бажарилиши ва унинг расмийлаштирилишини баҳолаш;
- Талаба томонидан мустақил таълим ҳисоб-китоб қисмининг бажарилишини баҳолаш.

Мустақил таълимнинг бажарилишини баҳолаш баллар асосида амалга оширилади. Бунда, юқорида келтирилган мезонлар бўйича талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балларнинг тақсимланиши қуйидагича бўлади:

- Мустақил таълим назарий қисмининг бажарилиши ва унинг расмийлаштирилишини баҳолаш – 3 балл;
- Талаба томонидан мустақил таълим ҳисоб-китоб қисмининг бажарилишини баҳолаш – 5 балл.

Жами – 8 балл.

Мустақил таълим назарий қисмининг бажарилиши ва унинг расмийлаштирилишини баҳолаш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- мустақил таълим расмийлаштирилишининг амалдаги ГОСТ 21.101-97 талабларига мос келишини баҳолаш;
- мустақил таълимнинг назарий қисмининг тўлиқлиги ва тўғрилигини баҳолаш;
- мустақил таълимнинг расмийлаштирилиш сифатини (саводлилигини, тартиблилигини) баҳолаш.

Юқорида келтирилган максимал баллар тақсимотига асосан талаба тўплаши мумкин бўлган мустақил таълим назарий қисмининг бажарилиши ва

унинг расмийлаштирилиши 3,0 балл билан баҳоланади.

Мустақил таълимнинг бажарилиши ва унинг расмийлаштирилишининг баҳоланиш мезони қуйидаги жадвалда келтирилган:

№	Мезонлар номи	Максимал балл	Ўтиш бали
1	Амалдаги ГОСТ талабларига мос келишини баҳолаш	1,0	0,55
2	Мустақил таълимнинг назарий қисмининг тўлиқлиги ва тўғрилигини баҳолаш	1,0	0,55
3	Мустақил таълимнинг расмийлаштирилиш сифатини (саводлилигини, тартиблилигини) баҳолаш	1,0	0,55
Жами		3,0	1,65

Жадвалда келтирилган мезонлар бўйича баҳолаш қуйидагича аниқланади:

“аъло” (86 – 100%) – 2,6 ... 3,0 балл;

“яхши” (71 – 86%) – 2,1 ... 2,5 балл;

“қониқарли” (55 – 70%) – 1,65 ... 2,0 балл;

“қониқарсиз” (55%дан паст) – 1,65 баллдан паст.

Талаба томонидан мустақил таълим ҳисоб-китоб қисмининг бажарилишини баҳолаш мустақил таълимнинг ҳисоб-китоб қисмига қўйилган талабалар асосида амалга оширилади, яъни вариантлар бўйича берилган топшириқлар асосида бажарилган смета ҳисоб-китобларининг тўғри кетма-кетлиги, тўлиқлиги ва бехатолиги текширилади. Мустақил таълим ҳисоб-китоб қисмининг бажарилиши 5,0 балл билан баҳоланади ва унга қўйиладиган баҳо қуйидагича аниқланади:

“аъло” (86 – 100%) – 4,3 ... 5,0 балл;

“яхши” (71 – 86%) – 3,5 ... 4,2 балл;

“қониқарли” (55 – 70%) – 2,8 ... 3,4 балл;

“қониқарсиз” (55%дан паст) – 2,7 баллдан паст.

Мустақил таълимни баҳолашнинг барча мезонлар бўйича жамланган натижаси қуйидагича аниқланади:

“аъло” (86 – 100%) – 6,9 ... 8,0 балл;

“яхши” (71 – 86%) – 5,7 ... 6,9 балл;

“қониқарли” (55 – 70%) – 4,4 ... 5,6 балл;

“қониқарсиз” (55%дан паст) – 4,4 баллдан паст.

Мустақил таълимни баҳолаш натижаси фан бўйича оралиқ назорат балларига қўшилади.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Мустақил таълимни бажариш вариантлари бўйича маълумотлар

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар					
		1	2	3	4	5	6
A	Бино ва иншоотнинг номланиши	4 қаватли турак-жой биноси	5 қаватли турак-жой биноси	160 ўринли боғча биноси	Дўкон биноси	Касалхона хўжалик биноси	Оёқ кийим таъмирлаш корхонаси
Б	Бажариладиган ишлар:						
1	Дераза қоробқаларини таъмирлаш, қоробқа	1000	-	300	5	10	-
2	Эшик қоробқаларини таъмирлаш, қоробқа	250	-	100	2	-	15
3	Пўлат ванналарни алмаштириш, прибор	-	40	-	-	-	-
4	Иситиш ускуналарини тозалаш ва ювиш (радиатор оғирлиги 80 кг), прибор	-	200	-	10	40	-
5	Жумракларни алмаштириш, дона	-	-	50	-	-	-
6	Электр ўчиргичларни алмаштириш, дона	400	-	-	5	10	30
7	Алохида жойлари майдони 10 м ² гача қатлами қалинлиги 20 ммгача ички деворларни цементли-оҳакли қоришма билан таъмирлаш, м ²	-	3000	2500	200	-	50
8	Зинапоя клеткалар шкатуркасини таъмирлаш, м ²	550	400	-	-	-	-
9	Рубероидли томнинг айрим жойларини таъмирлаш м ²	-	1000	500	-	200	350
10	Ёғоч полни таъмирлаш, м ²	5000	-	-	-	400	100
В	Ишларнинг давом этиш муддати, ойлар	4,0	4,5	3,0	3,5	4,5	3,0

Мустақил таълимни бажариш вариантлари бўйича маълумотлар (давоми)

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар					
		7	8	9	10	11	12
A	Бино ва иншоотнинг номланиши	Хаммом биноси	1 қаватли турар-жой биноси	Кутубхона биноси	2 қаватли турар-жой биноси	600 ўринли мактаб биноси	9 қаватли турар-жой биноси
Б	Бажариладиган ишлар:						
1	Дераза коробкаларини таъмирлаш, коробка	-	8	20	-	350	580
2	Эшик коробкаларини таъмирлаш, коробка	-	-	10	20	-	-
3	Пўлат ванналарни алмаштириш, прибор	40	-	-	4	-	140
4	Иситиш ускуналарини тозалаш ва ювиш (радиатор оғирлиги 80 кг), прибор	120	-	50	20	140	-
5	Жумракларни алмаштириш, дона	90	5	-	-	-	250
6	Электр ўчиргичларни алмаштириш, дона	-	10	40	-	-	-
7	Алохида жойлари майдони 10 м ² гача қатлами қалинлиги 20 ммгача ички деворларни цементли-оҳакли қоришма билан таъмирлаш, м ²	1200	60	450	-	-	-
8	Зинапоя клеткалар шкатуркасини таъмирлаш, м ²	-	-	-	-	300	1600
9	Рубероидли томнинг айрим жойларини таъмирлаш м ²	900	-	-	300	450	1500
10	Ёғоч полни таъмирлаш, м ²	-	80	-	500	900	-
В	Ишларнинг давом этиш муддати, ойлар	4,0	3,5	3,0	3,5	5,0	5,0

Мустақил таълимни бажариш вариантлари бўйича маълумотлар (давоми)

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар					
		13	14	15	16	17	18
A	Бино ва иншоотнинг номланиши	Касалхона биноси	4 қаватли турак-жой биноси	250 ўринли боғча биноси	Маъмурий бино	Поликлиника биноси	Спорт зал биноси
Б	Бажариладиган ишлар:						
1	Дераза қоробкаларини таъмирлаш, қоробка	600	-	200	6	30	10
2	Эшик қоробкаларини таъмирлаш, қоробка	60	-	90	4	-	-
3	Пўлат ванналарни алмаштириш, прибор	-	60	-	-	-	-
4	Иситиш ускуналарини тозалаш ва ювиш (радиатор оғирлиги 80 кг), прибор	-	260	-	20	80	30
5	Жумракларни алмаштириш, дона	50	-	-	-	-	-
6	Электр ўчиргичларни алмаштириш, дона	-	-	20	-	20	-
7	Алохида жойлари майдони 10 м ² гача қатлами қалинлиги 20 ммгача ички деворларни цементли-оҳакли қоришма билан таъмирлаш, м ²	-	4000	3500	400	-	300
8	Зинапоя клеткалар шкатуркасини таъмирлаш, м ²	200	300	-	-	-	-
9	Рубероидли томнинг айрим жойларини таъмирлаш м ²	500	800	600	-	200	350
10	Ёғоч полни таъмирлаш, м ²	-	-	-	160	400	300
В	Ишларнинг давом этиш муддати, ойлар	5,0	4,5	3,0	3,5	4,5	3,0

Мустақил таълимни бажариш вариантлари бўйича маълумотлар (давоми)

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар					
		19	20	21	22	23	24
A	Бино ва иншоотнинг номланиши	Хаммом биноси	5 қаватли тура-жой биноси	Кутубхона биноси	9 қаватли тура-жой биноси	600 ўринли коллеж биноси	Дорихона биноси
Б	Бажариладиган ишлар:						
1	Дераза коробкаларини таъмирлаш, коробка	-	160	10	-	350	5
2	Эшик коробкаларини таъмирлаш, коробка	-	40	5	200	-	1
3	Пўлат ванналарни алмаштириш, прибор	30	-	-	140	-	-
4	Иситиш ускуналарини тозалаш ва ювиш (радиатор оғирлиги 80 кг), прибор	140	-	20	200	160	-
5	Жумракларни алмаштириш, дона	80	-	-	-	-	-
6	Электр ўчиргичларни алмаштириш, дона	-	200	10	-	-	-
7	Алохида жойлари майдони 10 м ² гача қатлами қалинлиги 20 ммгача ички деворларни цементли-оҳакли қоришма билан таъмирлаш, м ²	2000	6000	450	-	-	500
8	Зинапоя клеткалар шкатуркасини таъмирлаш, м ²	-	-	-	-	300	-
9	Рубероидли томнинг айрим жойларини таъмирлаш м ²	400	-	-	900	450	150
10	Ёғоч полни таъмирлаш, м ²	-	1000	-	1500	800	100
В	Ишларнинг давом этиш муддати, ойлар	4,0	3,5	3,0	3,5	5,0	3,0

Айрим қурилиш ресурсларининг нархлари

1.01.2017 г. ҳолатига

№	Ресурсларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Бирлик ресурс нархи сўм
1	2	3	4
<u>Қурилиш машиналари</u>			
1	Мачтали юк кўтаргич 0,5т	Маш-соат	2550
2	Автомобили бортли 5т гача юк кўтаради	Маш-соат	12940
3	Башняли кран 8т	Маш-соат	8500
4	Битумли қозон	Маш-соат	4611
<u>Қурилиш материаллари</u>			
1	Қуриқ қоришма ашёси	Т	600000
2	Грунтовка	Т	2950000
3	Тошли смола	Т	2300000
4	Ёғоч материаллар	М ³	700000
5	Эшик блоклари	М ²	137500
6	Сув-эмульсияли бўёқ	Т	2800000
7	Клейли шпатлевка	Т	910000
8	Ёғли бўёқ	Т	6000000
9	Натурал олиф К-3	Т	3400000
10	Шкурка полировальная	1000 М ²	5000000
11	Референтли ойна	М ²	26500
12	Гипс боғловчи	Т	600000
13	Гипсли деталлар баландлиги 50-100мм	М	950
14	Ўчиргич	Дона	3000
15	Ўзатгич	Дона	3000
16	Бир лампали светильник	Дона	48000

17	Уч лампали светильник	Дона	68000
18	2 мм полимер қопламали юпка варақли ёнғин хавфсизлик щити	Дона	130000
19	Тўшама щитлар(настила)	М ²	24000
20	Эшик қулф-қалти(врезной)	Дона	12000
21	Ёғоч блоклар учун скоба буюмлари	Дона	2800
22	Майдаланган мел	Т	105000
23	Пемза шлак (марки 600 фракции 0,5)	М ³	20746
24	Сув	М ³	250
25	Малярлик суюқ клей	Кг	6000
26	Қурилиш тахталари (Бревна-доски)	М ³	800000
27	Қурилиш михлари	Т	4000000
28	Сиртланган пўлат лист	Т	4100000
29	Ҳимоя замазқаси	Кг	15600
30	Оқова сув трубалари Д=150мм	М	14900
31	Симлар(катанка)	Т	2500000
32	Қозиклар Д=150мм	Дона	9000
33	Воронка	Дона	40000
34	Раковина	Дона	150000
35	Ванна	Дона	350000

ИШ ХАЖМЛАРИ ШНК ЁКИ КНК
(ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ)

Жадвал 65-6. Сантехника приборларини алмаштириш

Ўлчов: 100 прибор

65-6-4 унитазларни алмаштириш

65-6-17 чугун ванналарни алмаштириш

65-6-18 пулат ванналарни алмаштириш

65-6-19 раковиналарни алмаштириш

65-6-24 умывальникларни алмаштириш

Ресурс коди	Харажатлар элементлар номи	Ўлчов бирлиги	65-6-4	65-6-17	65-6-18	65-6-19	65-6-24
1	Курувчи ишчилар меҳнати харажатлари	Киши- соат	107,0	587,4	532,2	191,3	212,0
Машина ва механизмлар							
C2509	5 т гача юк кутара оладиган бортли автомобиллар	Маш- соат	0,1	3,7	3,4	0,7	0,7
C1522	Мачтали қурилиш кутаргичлар	Маш- соат	0,1	3,7	3,4	0,7	0,7
Материаллар							
C44497	Санитар приборлар	комп	100	100	100	100	100
C30956	Мойли бўёқ	т	0,0024	0,013	0,013	-	0,01
C39324	Цемент	т	0,02	0,02	0,02	0,016	0,008
C34247	Каболка	т	0,012	0,007	0,007	0,006	0,007
C31651	Олиф К-3	т	0,0012	0,0059	0,0059	-	0,0004
C30450	Дюбеллар 2,5x48,5мм	Т	0,005	-	-	0,008	-
C35103	Шурушлар 6x40мм	т	0,007	-	-	0,007	0,007

Жадвал 65-22. Иситиш мосламаларини тозалаш ва ювиш

Ўлчов: 100 прибор

65-22-1 радиаторлар огирлиги 80кг гача

65-22-2 радиаторлар огирлиги 160кг гача

65-22-3 радиаторлар огирлиги 240кг гача

65-22-4 ковурғали қувурлар

Ресурс коди	Харажатлар элементлар номи	Ўлчов бирлиги	65-22-1	65-22-2	65-22-3	65-22-4	
1	Курувчи ишчилар меҳнати харажатлари	Киши-соат	291,6	399,6	538,8	222,1	
Материаллар							
C30956	Мойли бўёқ	т	0,012	0,012	0,012	0,012	
C31651	Олиф К-3	т	0,005	0,005	0,005	0,005	
M9210	Сув	М ³	4,2	8,1	12,3	0,5	

Жадвал 65-5. Жумракларни алмаштириш

Ўлчов: 100 дона

Ресурс коди	Харажатлар элементлар номи	Ўлчов бирлиги	65-5-5
1	Курувчи ишчилар меҳнати харажатлари	Киши-соат	33,3
Машина ва механизмлар			
C2509	5 т гача юк кутара оладиган бортли автомобиллар	Маш-соат	0,05
Материаллар			
C63940	Жумраклар	дона	100
C30956	Мойли бўёқ	т	0,0007
C31651	Олиф К-3	т	0,0003

Жадвал 67-9. Выключатель ва розеткаларни алмаштириш

Ўлчов: 100 дона

67-9-1 выключателларни алмаштириш

67-9-2 Розеткаларни алмаштириш

Ресурс коди	Харажатлар элементлар номи	Ўлчов бирлиги	67-9-1	67-9-2
1	Курувчи ишчилар меҳнати харажатлари	Киши-соат	24,1	24,1
Материаллар				
C44066	Выключатель	дона	100	-
C46282	Розетка	дона	-	100

Жадвал 56-4. Дереза коробкаларини таъмирлаш

Ўлчов: 100 коробка

56-4-1 Бир каватли дереза коробкалари гиштин деворларда

56-4-2 Икки каватли дераза коробкалари гиштин деворларда

Ресурс коди	Харажатлар элементлар номи	Ўлчов бирлиги	56-4-1	56-4-2
1	Курувчи ишчилар меҳнати харажатлари	Киши-соат	505,0	910,0
Машина ва механизмлар				
C2509	5 т гача юк кутара оладиган бортли автомобиллар	Маш-соат	0,13	0,19
Материаллар				
C36084	Кесилган бруслар калинлиги 40-75мм, 2 нав	М ³	0,54	1,35
C38617	Пакля	кг	46,3	46,9
C30654	Гипс	т	0,165	0,238
C35100	Шуруп 3,5x35мм	т	0,001	0,001
C30407	Курилиш миxlари	т	0,004	0,006
C31928	Тол	М ²	31,3	31,5
C31687	Курук елим	кг	0,002	0,002
M9210	Сув	М ³	0,17	0,24
C32104	Битумли мастика	т	0,17	0,24

Жадвал 56-13 Эшик коробкаларини таъмирлаш

Ўлчов: 10 коробка

56-13-1 Гиштли деворларда тор эшик коробкаларни полотносини олмай таъмирлаш

56-13-2 Гиштли деворларда тор эшик коробкаларни полотносини олиб таъмирлаш

56-13-5 Гиштли деворларда кенг эшик коробкаларни полотносини олмай таъмирлаш

56-13-6 Гиштли деворларда кенг эшик коробкаларни полотносини олиб таъмирлаш

Ресурс коди	Харажатлар элементлар номи	Ўлчов бирлиги	56-13-1	56-13-2	56-13-5	56-13-6	
1	Курувчи ишчилар меҳнати харажатлари	Киши-соат	46,99	64,84	149,77	167,62	
Машина ва механизмлар							
C2509	5 т гача юк кутара оладиган бортли автомобиллар	Маш-соат	0,12	0,12	0,19	0,19	
Материаллар							
C36084	Кесилган бруслар	М ³	0,165	0,165	0,33	0,33	

	калинлиги 40- 75мм, 2 нав						
C30654	Гипс	т	0,14	0,14	0,168	0,168	
C35100	Шуруп 3,5x35мм	т	-	0,0004	-	0,0004	
C31928	Тол	М ²	2,7	2,7	9,84	9,84	
C31687	Курук елим	кг	0,2	0,2	0,4	0,4	
C30407	Курилиш михлари	т	0,0001	0,0001	0,0005	0,0005	
M9210	Сув	М ³	0,15	0,15	0,17	0,17	

**Жадвал 61-2 Ички деворлар штукатуркасининг алохида
жойларини таъмирлаш**

Ўлчов 100м²

61-2-1 алохида жойлар майдони 1м² гача катлами калинлиги 20мм гача охакли коришма билан ички деворлар штукатуркасини таъмирлаш

61-2-3 алохида жойлар майдони 10м² гача катлами калинлиги 20мм гача охакли коришма билан ички деворлар штукатуркасини таъмирлаш

61-2-7 алохида жойлар майдони 1м² гача катлами калинлиги 20мм гача цементли-охакли коришма билан ички деворлар штукатуркасини таъмирлаш

61-2-9 алохида жойлар майдони 10м² гача катлами калинлиги 20мм гача цементли-охакли коришма билан ички деворлар штукатуркасини таъмирлаш

61-2-11 алохида жойлар майдони 10м² дан зиет катлами калинлиги 20мм гача цементли-охакли коришма билан ички деворлар штукатуркасини таъмирлаш

Ресурс коди	Харажатлар элементлар номи	Ўлчов бирлиги	61-2-1	61-2-3	61-2-7	61-2-9	61-2-11
1	Курувчи ишчилар меҳнати харажатлари	Киши- соат	203,07	146,07	228,35	157,10	142,65
Машина ва механизмлар							
C1522	Мачтали курилиш кутаргичлар	Маш- соат	0,67	0,67	0,67	0,67	0,67
Материаллар							
M43546	Огир охакли коришма	М ³	2,2	2,2	-	-	-
M43545	Огир цементли- охакли коришма	М ³	-	-	2,2	2,2	2,2
M9210	Сув	М ³	0,35	0,35	0,35	0,35	0,35

Жадвал 61-9 Зинапоя клеткалар штуркатуркасини таъмирлаш

Ўлчов: 100 м²

Ресурс коди	Харажатлар элементлар номи	Ўлчов бирлиги	65-9-1
1	Курувчи ишчилар меҳнати харажатлари	Киши-соат	325,9
Машина ва механизмлар			
C1522	Мачтали қурилиш кутаргичлар	Маш-соат	1,19
Материаллар			
M43545	Огир цементли-оҳакли қоришма	М ³	3,85
M9210	Сув	М ³	0,35

Жадвал 57-8 Ёғоч полларни таъмирлаш

Ўлчов: 100м²

57-8-1 янги тахталарни 25% гача қушиб, полларни таъмирлаш

57-8-2 янги тахталарни 50% гача қушиб, полларни таъмирлаш

57-8-3 тахталарни 100% алмаштириб, полларни таъмирлаш

Ресурс коди	Харажатлар элементлар номи	Ўлчов бирлиги	57-8-1	57-8-2	57-8-3
1	Курувчи ишчилар меҳнати харажатлари	Киши-соат	42,62	44,66	62,07
Машина ва механизмлар					
C1522	Мачтали қурилиш кутаргичлар	Маш-соат	0,07	0,19	0,47
C2509	5 т гача юк кутара оладиган бортли автомобиллар	Маш-соат	0,1	0,3	0,7
Материаллар					
C36057	Кесилган тахталар қалинлиги 32,40 мм, 3 нав	М ³	0,63	1,68	4,2
C30407	Қурилиш миҳлари	Т	0,013	0,013	0,013

Жадвал 58-7. Рубероидли томнинг алоҳида жойларини таъмирлаш

Ўлчов: 100 м²

Ресурс коди	Харажатлар элементлар номи	Ўлчов бирлиги	58-7-2
1	Курувчи ишчилар меҳнати харажатлари	Киши-соат	43,04
Машина ва механизмлар			
C1522	Мачтали қурилиш кутаргичлар	Маш-соат	0,27

C2509	5 т гача юк кутара оладиган бортли автомобиллар	Маш-соат	0,18
C913	Битум козонлари	Маш-соат	1,49
Материаллар			
C44259	Рубероид	М ²	233,0
C32104	Битумли мастика	Т	0,57

Адабиётлар рўйхати:

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана. – Т.: Ўзбекистон, 2009г.
2. Каримов И.А. Наша основная задача – обеспечение дальнейшего развития и процветания страны и народа. «Ўзбекистон» 2010.
3. Доклад Президента Республики Узбекистан И.Каримова на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2014 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2015 год.
4. Арdziнов В.Д. Ценообразование и составление смет в строительстве.- СПб.: Питер, 2008.-240с.
5. Деева А.И. Ценообразование: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2011.- 360с.
6. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Хаитов Э.Б. Ценообразование в строительстве. Учебное пособие. Т.: ТАСИ, 2012.
7. Исаков М.Ю. Экономика капитального строительства. Учебное пособие. – Ташкент: Литературный фонд союза писателей. 2004.-128с.
8. Сметное дело и ценообразование в строительстве: Учебное пособие/ В.В.Бузырев, А.П.Суворова. – СПб.: СПбГИЭУ, 2004.- 202с.
9. Степанов П.С. Экономика строительства. -М.: Юрайт, 2005.

Қўшимча адабиётлар:

1. Временное положение о порядке определения стоимости строительства объектов в договорных текущих ценах. / Приложение к Постановлению КМ РУз от 11 июля 2003г. № 261.
2. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Хаитов Э.Б. Тендерные торги в строительстве и их организация. Т.: ТАҚИ, 2012.
3. Каталог текущих цен на материально-технические ресурсы, применяемые в строительном производстве Республики Узбекистан. Т.-2017.

4. Махмудов Э.Х. Экономика капитального строительства. Учебное пособие. Т.: ТДИУ, 2009.

5. Об основных направлениях дальнейшего углубления экономических реформ в капитальном строительстве / Госархстрой РУз / Материалы семинара.- Ташкент, 2003.

6. Постановление КМ РУз «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов, осуществляемых за счет централизованных капитальных вложений» от 11 июля 2003г. № 261.

7. Постановление КМ РУз «О мерах по совершенствованию системы конкурсных торгов в капитальном строительстве» от 3 июля 2003г. № 302.

8. Положение о конкурсных торгах в капитальном строительстве на территории Республики Узбекистан. / Приложение к Постановлению КМ РУз от 3 июля 2003г. № 302.

9. Сборники ШНК Госархитектстроля РУз.

10. Интернет сайтлари:

www.gov.uz

www.soliq.uz

www.stat.uz

www.mf.uz

М У Н Д А Р И Ж А

бет

Кириш	3
Мустақил таълимни бажаришнинг мақсад ва вазифалари	4
1. Мустақил таълимнинг таркиби ва бажарилиш тартиби	5
1.1. Мустақил таълимнинг такиби	5
1.2. Қурилиш маҳсулотининг шартномавий жорий нархларини аниқлаш бўйича услубий кўрсатмалар.....	6
2. Назорат саволлари.....	15
3. Таянч иборалар.....	17
4. Мустақил таълимни баҳолаш мезони.....	19
Иловалар.....	22
Адабиётлар рўйхати.....	34